


Истеъмолчилар учун сифати кафолатланмаган маҳсулотнинг хавфи



Республикамизга белгиланган меъёр талабларига номувофиқ, сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг кириб келиш ҳолатлари мавжуд. Фақат 2017-2018 йиллар даврида жисмоний ва юридик шахслардан “Ўзстандарт” агентлигига 277 дан ортиқ, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига эса 3 мингдан ортиқ маҳсулот сифати устидан шикоят мурожаатлари келиб тушди.

2018 йилда маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолашда 52,5 млрд. сўм миқдордаги маҳсулотларнинг техник регламентлар талабларига ва импорт маҳсулот стандартларининг мажбурий талабларига номувофиқлиги аниқланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида импорт маҳсулотлари синовлари жараёнида жами миқдори 2,9 млрд. сўм бўлган 14 турдаги маҳсулот бўйича 20 ҳолатларда белгиланган нормаларга номувофиқлиги аниқланган.

Консерванган нохат – 320 млн.сўм, нок шарбати – 147 млн.сўм, автомобил шиналари – 500 млн.сўм (барчаси ХХР), палма ёғи – 692 млн.сўм (500 млн.-Қозоғистон ва 192 млн. Малайзия), pista ёғи – 376 млн.сўм (Россия), газ баллонлари – 148 млн.сўм (Арманистон) ва ҳ.к..

Бутун жаҳон солғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили ривожланган мамлакатларнинг деярли 30% аҳолиси озиқ-овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ касалликлардан азият чекади. Шундай қилиб, АҚШда ҳар йили озиқ-овқат билан боғлиқ 76 миллионга яқин касалланиш ҳолатлари қайдланиб, улардан 325 минг ҳолатда шифохонага ётиш ва 5 минг ҳолатда ўлимга олиб келади.